

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШДА “ДУБЛЯЖ” МЕТОДИ САМАРАДОРЛИГИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7332692>

Аҳмедова Дилфуза Рафукжановна

Филология фанлари доктори, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

dilakhmedova@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада хорижий тилни ўқитишда амалий дарсларда фойдаланиш мумкин бўлган усул ҳақида сўз боради. “Дубляж” методи талабаларда хорижий тил ўқитишда мавжуд кўникмаларни шакллантиришда самарали методлардан саналади.

Калит сўзлар: хорижий тил, амалий дарс, дубляж методи, эшитиш кўникмаси, сўзлашни кўникмаси, ёзиш кўникмаси.

THE EFFICIENCY OF THE DUBBING METHOD IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Ahmedova Dilduza Rafukjanovna

Doctor of Philological Sciences, dotsent

Tashkent State University of Oriental Studies

dilakhmedova@mail.ru

Annotation. This article talks about the method that can be used in practical lessons in learning a foreign language. The "Dubbing" method is considered one of the effective methods for forming students' existing skills in foreign language teaching.

Keywords: foreign language, practical lesson, dubbing method, listening skills, speaking skills, writing skills.

КИРИШ

Тил ўқитиш методи ва дарс жараёнида бажариладиган амаллар хорижий тилни ўрганувчиларнинг мақсадини ўрганиш орқали аниқланади. Бу мақсад асосида маданиятлар мулоқоти учун тил кўникмасини ҳосил қилиш каби мамлакатнинг умумий сиёсати ётган бўлиши мумкин. Эҳтимол, маълум миқдор тил ўрганувчиларнинг мақсади олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув марказларида ўқишни давом эттириш учун бўлиши мумкин. Балки баъзи кишилар тили ўрганилаётган мамлакат савдо аҳли ва ширкатлари билан олди-берди қилишни истарлар. Тили ўрганилаётган мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи ва расм-русуми билан қизикадиган кишилар ёки, жилла курса, ўша тил адабиёти билан қизикадиган кишилар бордир. Шунга кўра, хорижий тилни ўрганувчиларнинг мақсадини аниқлаш уларнинг умумий, илмий, тижорий, маданий ва адабий эҳтиёжларини кенг миқёсда қондиришга боис бўлиши мумкин [Қуронбеков А. 2011:13]

Шарқ тилни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида Е.Гладкова ўзининг “Специфика обучения редким языкам (на примере восточных языков)” мақоласида қуйидаги фикрларни келтиради: В преподавании ряда восточных языках следует учитывать фактор диглоссии, т.е. не только строгую стилистическую дифференциацию в языке, но и существование двух форм функционирования общенародного языка: литературную и обиходно-разговорную, характеризующиеся существенными различиями (в ряде восточных языков существуют диалекты, без знания которых выпускник не может осуществлять коммуникацию). Это обуславливает необходимость не только выделения дополнительного аспекта – речевой практики, но и изучения соответствующего диалекта (например, египетский, алжирский для студентов, изучающих арабский язык, тегеранский диалект для студентов, изучающих персидский язык, бенгальский язык Бангладеш и бенгальский язык штата Западная Бенгалия в Индии и др.) [Гладкова Е. 2008:1].

Хорижий тилларни ўргатиш жараёнида талаба ва ўқувчи шахсини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, машғулотларни режалаштиришда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

☉ - таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун қулайлик, зиддиятсиз ва ҳавфсиз шароитларни яратиш, унинг табиий интеллектуал имкониятларини ҳисобга олиш;

☉ - ўқитувчи томонидан талаба ёки ўқувчи шахсининг эътиборга олинishi: унинг мақсадлари, ҳаяжонлари, қизиқишлари, қарашлари, муносабатларини тушуниш ва қадрлаш, унга, унинг куч ва имкониятларига ишониш;

☉ - таълим бериш технологиясини режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида ушбу билим соҳасида талаба ёки ўқувчининг билимини, шахс маданиятининг умумий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш;

☉ - талаба ёки ўқувчининг психологик-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

☉ - таълим жараёнини ҳар бир таълим олувчининг ривожланиш даражаси ва унинг имкониятларига мос равишда ташкиллаштириш;

☉ - талаба ёки ўқувчига ўз билимини, ўзлигини аниқлай олишига, ўз интелектини узлуксиз ривожланишига ёрдам кўрсатиш, уни шахс сифатида назорат ва ташҳис қилиш;

☉ - талаба ёки ўқувчини шахс сифатида ривожланишининг умумпедагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш [Қуронбеков А. 2011:4]

Маълумки хорижий тилни ўқитишда **грамматика, ўқиш, ёзиш, тинглаш, гапириш** кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган дарсларни ташкил этиш самарали усуллардан саналади. Ўз навбатида мазкур дарслар турли усуллар орқали амалга оширилади. Ана шундай методлардан бири, “**Дубляж**” методидан хорижий тил амалий дарслари жараёнида ҳам фойдаланиш ўтган йиллар мобайнида ўз ижобий натижасини кўрсатди, десак муболаға бўлмайди.

“Дубляж” методи босқичлари

- Фильм танлаш;
- Фильмнинг маълум қисмини талабаларга намойиш қилиш;
- Намойиш этилган қисмини оғзаки таржима қилиш;
- Фильм матнини дафтарга ёзиш;
- Уйга визифа фильм матнини ёдлаш;
- Фильмни ролларга бўлиб дубляж қилиб бериш;

“Дубляж” методидан ҳосил бўлувчи кўникмалар

- эшитиш
- сўзлашиш
- таржима
- ёзиш
- гуруҳда ишлаш

Энди бевосита дарсни ташкил этиш босқичлари ва методни қўллашда шаклланивчи кўникмаларга бирма бир тўхталиб ўтамиз. Аввало ўқитувчи таълим олаётган гуруҳ даражасига мос фильм танлаб олиши лозим. Ҳозирги кунда хорижий тилларни ўқитишда тури даражаларга мўлжалланган тил ўргатувчи фильмлар мавжуд. Бошланғич босқичда ана шу фильмлардан, кейинги босқичларда эса бадиий фильмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фильм танлаб олинган аудиторияда гуруҳ билан биргаликда икки маротаба кўриб чиқилади. Фильмни кўриб бўлгандан сўнг уни қисмларга бўлиб оғзаки таржима қилинади

!!!Мана шу босқичда ўқитувчининг роли катта бўлади. Чунки янги матн билан ишлаш давомида янги сўз ва иборалар учраши тайин. Шунда ўқитувчи учраган янги сўз ва ибораларни барчасини талабаларга доскага ёзиб беради ва улар устида ишланади

!!! “Дубляж” методини қўллашнинг илк босқичларида аудиторияда таржима амалга оширилса кейинги босқичларда таржима қилиш уйга вазифа сифатида ҳам берилиши мумкин. Кейинги босқич фильм матнини ёзиш босқичи. Матн ёзиб олингандан сўнг талабалар матнни уйда ёдлайдалар.

Жараёнинг энг муҳим нуқтаси қуйидаги босқичда амалга оширилади:

Иккинчи дарс бошланишида олдин фильм бир мартта тамоша қилинади ва ҳар бир талабага роль бўлиб берилади. Уйга вазифа берилганда роль бўлиб берилмайди. Шундагина талаба бутун матнни ёдлайди.

Фильм овози ўчирилиб, фақат кадр қўйилади ва талабалар ролларга бўлинган ҳолда шу кадрга овоз берадилар. Жараён жуда қизиқ кечади. Шу кунгача ҳали бирор гуруҳ томонидан мазкур метод юзасидан салбий фикр билдирилмаган. Талабанинг тайёргарлигини текшириш мақсадида ҳар бир талаба фильмда қатнашган ҳар бир қаҳрамонга навбатма навбат овоз бериши талаб этилади. Шу тариқа уй вазифаси текшириб талабалар баҳоланади

ХУЛОСА

“Дубляж” методи орқали фильмни томоша қилиш жараёнида тинглаб тушуниш кўникмаси шаклланади. Фильм матнини таржима қилиш жараёнида оғзаки таржима кейинги босқичларда синхрон таржима қилиш кўникмаси шаклланади. Фильм матнини ёзиш жараёнида талабаларда тўғри ёзишга ўрганиш, хуснихат кўникмаси шаклланади. Фильмга овоз бериш жараёнида талабаларда гапириш кўникмаси шаклланади. Фильмга овоз беришни индивидуал амалга ошириш жуда қийин. Демак талаба аъло баҳо олиши нафақат ўзига, балки гуруҳдаги қолган талабаларга ҳам боғлиқ. Шундай экан талабада гуруҳда ишлаш кўникмасини ҳосил қилишда “Дубляж” методи самарадорлигини кузатиш мумкин. Ҳозирги кунда онлайн таълим жараёнида ҳам мазкур методни хорижий тилни ўқитишда етакчи усуллардан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Саййид Муҳаммад Зиё Ҳусайний. Форс тилини чет элликларга ўқитиш назарияси ва йўриқлари (*Форс тилидан Аҳмад Қуронбеков таржимаси*). – Тошкент, 2011.

2. Гладкова Е.Л. Специфика обучения редким языкам (на примере восточных языков). (Филологические науки в МГИМО: Сборник науч. трудов. № 3 (46) / Отв. редактор Г.И. Гладков. – М.: МГИМО(У) МИД России, 2008. – С.156-167.)
3. Nasirova, S. A. (2019). Modification of semantics of social terms of the modern Chinese language. *Opción: Revista de Ciencias Humanas y Sociales*, (24), 260-273.
4. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То ‘plam № 2/ma’sul muharirir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b, 29.*
5. Хашимова, С. А. (2022). ОБРАЗОВАНИЕ ЧИСЛИТЕЛЬНЫХ ПРИ ПОМОЩИ АФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *World scientific research journal*, 7(1), 20-23.
6. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated nonsignificant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.
7. Khalmurzaeva, N. T. (2021). Stereotypical Questions In The Organization Of The Process Of Teaching Children By Japanese Mothers. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(05), 513-520.